

20-боб. Отаси силаи раҳм қилиб юрадиган одамга яхшилик қилиш



08:30 / 12.01.2019 3880

40. Ибн Умардан ривоят қилинади:

«Сафарда бир аъробий олдимиздан ўтди. Ўша аъробийнинг отаси Умар розияллоҳу анҳунинг дўсти бўлган эди. Аъробий:

«Фалончининг ўғлимисан?» деди.

«Ҳа», деди Ибн Умар ва орқасидан эргаштириб юрадиган эшакни беришга амр қилди ва бошидаги салласини ечиб, унга берди. Шунда у билан бирга турганлардан бири:

«Унга икки дирҳам кифоя қилмасмиди?!» деди.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Отангинг дўстлигини муҳофаза қил. Уни кесма. Яна Аллоҳ нурунгни сўндириб қўймасин», деганлар», деди Ибн Умар».

Шарҳ: Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу сафарда кетаётиб, бир аъробий – саҳролик арабни учратиб қолибдилар.

Аъробийлар саводсизлиги, соддалиги, муомалалари бир оз кўполроқ бўлиши билан танилганлар. Ана шу аъробийнинг отаси ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг дўсти бўлган экан.

Аъробий Ибн Умарга қараб: «Сен Умарнинг ўғлимисан?» дебди.

«Ҳа, мен Умарнинг ўғлиман», дебдилар Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу ва унга бир эшак совға қилишга амр қилибдилар. Сўнгра бошларидаги саллаларини ҳам ечиб, унга кийдириб қўйибдилар.

Шунда Ибн Умар розияллоҳу анҳунинг ҳамсафарларидан баъзилари: «Бунга бир-икки дирҳам бериб қўйсангиз ҳам бўларди», дейишибди.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Отангинг дўстлигини муҳофаза қилгин, сақлагин, уни кесмагин, кессанг, Аллоҳ таоло нурунгни сўндириб қўяди», деганларини эшитганман. Шунинг учун бу одам икки дирҳамга лойиқ бўлса ҳам, эшак миндириб, салламни кийдирдим», дебдилар.

Бошқа ривоятларда ҳамсафарлари: «Бу киши оз нарса билан ҳам хурсанд бўлаверарди», дейишгани, шунда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳунинг «Унинг отаси отамнинг дўсти эди, шунинг учун эҳтиром қиляпман, чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шунга амр қилганлар», деганлари айтилган.

Демак, фарзанд ота-онасига улар вафот этиб кетгандан кейин ҳам яхшилик қилишни истаса, ота-онаси дўст тутган кишиларни дўст тутиб, уларга яхшилик қилиб, Ибн Умар розияллоҳу анҳу улов миндириб, кийим берганлари каби ишларни қилиб бориши керак бўлади.

41. Ибн Умардан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Яхшиликларнинг яхшиси кишининг отаси яхши кўрган одамларга силаи раҳм қилишидир», дедилар».

Шарҳ: Бу ривоят ҳам ўзидан олдинги ривоятни таъкидлаб келади. Ушбу ҳадисдан ўғил ёки қиз фарзанд ота-онаси вафот этиб кетгандан кейин ҳам уларнинг ҳурмати қилмоқчи бўлса, улар дўст тутган кишиларни ота-онасини ҳурмат қилгандек ҳурмат қилиб, уларга моддий ёрдам, хайр-эҳсонлар ва бошқа яхшиликлар қилиб туриши кераклигини билиб оламиз.

«Одоблар хазинаси» китобидан